O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

# РЕШЕНИЕ
# ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

201 y.г. «31» декабр №1907-К Samarqand t.-p.Самарканд

**“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массивида фуқаро Кадиров Илхом Зубайдуллаевичга нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

Самарқанд шахар У.У.Джуракулов кўчаси 40 уйда яшовчи фуқаро Кадиров Илхом Зубайдуллаевич туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви ҳудудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Самарканд шахар У.У.Джуракулов кўчаси 40 уйда яшовчи фуқаро Кадиров Илхом Зубайдуллаевичга “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви ҳудудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 0,07 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Кадиров Илхом Зубайдуллаевичга нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.